



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Холбеков Бахтбек Одамбой ўғли

БМА магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7809696>

ARTICLE INFO

Received: 29th March 2023

Accepted: 06th April 2023

Online: 07th April 2023

KEY WORDS

Давлат бюджети, Давлат
бюджети даромадлари
прогноزلари, назария, жаҳон
тажрибаси.

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришнинг назарий асослари кўриб чиқилган ва жадвал ҳамда расмлар асосида ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг, иқтисодиётни ривожлантириш аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этди. Мамлакат иқтисодиётнинг ривожлантириш ҳамда барқарорлаштиришда бюджетини тўғри прогноз қилишнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиши таркибан янги молия тизимининг шаклланиши билан характерланади ва бу тизимнинг асосий бўғини ҳисобланади.


Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозоридаги ўрнини мустақамлаш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун давлат бюджети даромадлари барқарор ҳамда турли ташқи омиллар натижасида кескин камайиб кетмаслиги кераклиги талаб қилинади. Ушбу вазифани сўзсиз таъминлашда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан келиб чиқиб, республикада ўтказилаётган солиқ-божхона ислохотлари, нарх-тариф сиёсатини оқилона ўтказиш мақсадида, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизими самарадорлигини ошириш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шу сабабли, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотларни мунтазам равишда олиб боришни талаб этмоқда.

Жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда деярли ҳар бир давлат ўз бюджетини қабул қилади ва бунда кўплаб жамоатчилик институтлари (жумладан, парламент), давлат ташкилотлари ва бошқа институтлари фаол иштирок этади. Қейинги йил учун қабул қилинаётган давлат бюджети даромадлари прогнози тўғрими



ёки йўқми деган саволга фақат тегишли ҳисоб-китоблар ва асослашлар жавоб бера олади.


Аслида давлат бюджети даромадлари прогнозининг хатоликлари қандай ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўриб чиқамиз (1-расмга қаранг).



1-расм. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришдаги хатоликлар оқибатлари¹

Демак, 1-расмдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғри белгиланиши муҳим аҳамият касб этади ва оптимал нуқтадан оғиши эса маълум фискал муаммоларга сабаб бўлади.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш назарий асослари қуйидаги предметларнинг мазмунининг ўзаро қоришмаси сифатида талқин қилиниши мумкин.



2-расм. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш назариясининг бошқа предметлар билан боғлиқлиги²

Демак, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш учун:

макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими ва макроиқтисодий моделларни билиши; математик моделлаштириш ва эҳтимоллар назарияси усулларидан фойдаланиш; эконометрик усуллар ва статистик кузатувлар тизими бўйича билимлардан чуқур фойдаланиш;

¹ Диссертация ва сайтлардан олинган маълумотлар асосида тайёрланган.

² Диссертация ва сайтлардан олинган маълумотлар асосида тайёрланган.



даромад тўловчи ҳисобланган микроиқтисодий субъектлар хулқ-атвори ва моделлардан хабардор бўлиши лозим (2-расмга қаранг).

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашларни, мазмунига кўра гуруҳлаштириш мавзуни тадқиқ қилишимизга ёрдам беради.

Боресович ва Кандауроваларнинг фикрича, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш – илмий ҳисоб-китоблар ва тахминларга асосланган ҳолда, бюджет даромадларини келгусидаги миқдори, манбалари ва келиб тушиш муддатларини аниқлашдан иборат.

Григоров (2004) таъкидлашича, бюджет даромадларини прогнозлаштириш – бюджет даромадлари манбалари, турлари бўйича доимий таҳлилларга асосланган ҳолда келгусидаги даромад миқдорларини аниқлашдан иборат.

Мэнкью (1994) томонидан иқтисодий моделнинг умумий кўриниши асосида бюджет даромадларини режалаштириш моделининг ишлаб чиқилган.

Кейнс (1994) таъкидлашича, иқтисодиётда давлатнинг режалаштирилган харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишдаги асосий манбалардан биридир. Давлат харажатларининг режаси эса бюджет даромадларини прогнозлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтганда, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ва давлат даромадларининг ўзгариши ўртасида қуйидаги боғлиқлик бор.

$$\Delta Y = (-MPC / (1 - MPC)) \times \Delta T$$

Бу ерда,

ΔY – ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

MPC – истеъмолга бўлган чекланган мойиллик

ΔT – давлат бюджети даромадларининг ўзгариши.

Мана шу боғлиқлик туфайли, давлат даромадларини прогнозлаштириш орқали ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири прогнозини баҳоласа бўлади.

Халқаро валюта жамғармаси иқтисодчиларининг кузатувларига қараганда, бюджет даромадларини прогнозлаштириш ривожланаётган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини яхшилашдаги асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Лиенерт ва Саррафларнинг (2001) қайд этишича, қоидалар ва тартибларнинг ривожланмаганлиги бюджет даромадларини юқори режалаштиришга сабаб бўлади.

Даннингернинг (2005) фикрига кўра, ривожланаётган мамлакатларда бюджетни режалаштиришда самарали усулларнинг йўқлиги ва аниқ қоидаларнинг белгиланмаганлиги даромадлар прогнозига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат маблағларини келиб тушишни прогнозлаштиришнинг усуллари тўғрисида ҳам кўплаб тадқиқотчилар изланиш олиб боришган.

Макридакс, Вилрайт ва МкГи (1983) лар умумий прогнозлаштириш жараёнларининг назарий асосларини белгилашда салмоқли ҳисса қўшишган. Жумладан, прогнозлаштиришнинг сабаб-оқибат ва даврий қаторлар усуллари батафсил келтириб ўтишган, ва бу усуллардан давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришда фойдаланиш мумкин.



Бу борадаги адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, хорижий олимлар ва иқтисодчи мутахассислар ҳам бюджет даромадларини прогнозлаштириш молиявий сиёсат юритишда асосий омил эканлигини таъкидлаб ўтишган. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари Даннингер, Кангиано ва Кйобеларнинг (2005) фикрича, бюджет даромадлари прогнозини қайта кўриб чиқиш бюджет харажатлари ва бошқарувда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, молиявий сиёсатга ишончсизлик уйғотади.

Кейнс (1994) назариясига кўра, иқтисодиётда давлатнинг режалаштирилган харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишдаги асосий манбалардан биридир. Давлат харажатларининг режаси эса бюджет даромадларини прогнозлаштириш билан чамбарчас боғлиқ;

солиқ ва божхона сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларни асослаш орқали бюджет даромадларини прогнозлаштириш орқали амалга оширилади;

давлатнинг узоқ муддатли инвестиция харажатларини самарали ва оқилона амалга ошириш учун давлат ихтиёрига молиявий маблағларнинг барқарор келиб тушишини талаб қилади.

Даннингер (2005) томонидан ўз навбатида, бюджет даромадларини прогнозлаштиришга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади ва бюджет даромадларини тўғри режалаштириш ўтиш даври мамлакатларда солиқ маъмурчилигини яхшилашдаги асосий воситалардан бири ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Аюпова (2010) ўз изланишларида иқтисодиётни самарали бошқаришда бюджет даромадлари режасининг аҳамияти катта эканлиги тўғрисида хулосага келган. Масалан, Лаффер эгри чизиғига кўра солиқ ставкаларининг оптимал чегарадан чиқиши тушумларни пасайиб кетишига олиб келиши тўғрисидаги кўрсатма бюджет даромадларини прогнозлаштиришда қўлланилади. Бу эса прогнозлаштиришнинг классик назарияларга асосланишини кўрсатади.

Кейнс назариясига кўра, қисқа даврда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши мамлакат ялпи ички маҳсулоти миқдорини мультипликатор эффектига эга бўлиши қайд этилган. Бюджет даромадлари режалаштирилаётганда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кутилаётган ўсиши натижасида солиқ солиш базасининг кенгайиши инобатга олинади. Демак, бюджет даромадларини прогнозлаштириш замонавий назарияларга ҳам таянади.

Бюджет даромадларини келгусидаги миқдорларини прогнозлашда регрессия тенгламаларини тузиш, солиқ тушумларининг солиқ солиш объектлари динамикасига эластиклигини инобатга олиш зарур бўлади. Бундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари прогнозлаштиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Абдуганиева ва Бабабековаларнинг (2012) томонидан эса ҳар бир асосий солиқ турлари бўйича прогнозлаштириш усуллари келтириб ўтилган. Мисол учун, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг прогнози бўйича рақамли мисоллар келтирилган ва кичик иқтисодий модел кўринишида тақдим қилинган. Пардаев Ҳ.Ҳ. (2018) ўз тадқиқотида давлат бюджетига тушаётган айрим солиқларни прогнозлаштиришда регрессион усуллардан фойдаланишга доир мисоллар берган.



Мисол учун, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тушумлари бўйича регрессия тенгламаларини ишлаб чиққан. Худойкулов (2019) фикрича, республикамизда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимида учрайдиган муаммолар, жумладан прогнозлаштириш учун зарур маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги, прогнозлаштириш тамойиллари йўқлиги ва талабга жавоб берадиган дастурлар ишлаб чиқилмаганлигига эътибор қаратади.

Республикада давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришда асосан экстраполяция, норматив усуллардан фойдаланилади. Бунинг илмий-назарий асослари ва амалий ёндашувлари бор. Эмпирик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кундаги мавжуд усуллар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидаги прогнозлаштириш модели ўтказилаётган солиқ ислохотлари, нарх-наво сиёсати, валюта бозорини эркинлаштириш шароитида бюджет даромадларини тўғри прогнозлаштириш имконини бермайди.

1-жадвал

Ўзбекистонда Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши

(прогнознинг бажарилиши фоизи)

2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
104,0 %	103,7 %	105,5 %	103,3 %	104,5 %	105,2 %	100,9 %	101,3 %	111,7 %	127 %

Манба: муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

2009-2016 йилларда эса ҳақиқий тушумларнинг прогнозга нисбатан фарқи ўртача 3,55%га тенг бўлган. Бунда, анъанавий прогнозлаштириш модели – оддий экстраполяция усулидан фойдаланиш катта хатоликлар бермаган (1-жадвалга қаранг).

2017 ва 2018 йилларда белгиланган параметрларнинг юқори суръатларда бажарилган (мос равишда 11,7% ва 27%). Бунинг асосий сабаби – 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб, валюта бозорининг либерализация қилинишидир.





3-расм. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришнинг анъанавий модели

Валюта курсининг давлат бюджети даромадларига таъсири сезиларли, чунки давлат бюджети даромадлари таркибида 38 фоиз даромадлар (божхона тўловлари, қимматбаҳо металллар ва табиий газ учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва ҳ.к.) валюта курси билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш бўйича методик қўлланмалар:

2004 йилда ишлаб чиқилган – «Асосий солиқ турлари бўйича даромадларни режалаштириш тартиби»;

2012 йилда ишлаб чиқилган – «Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш методикаси» бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожлантириш Дастури ҳомийлигида ишлаб чиқилган солиқлар ва тушумларнинг прогнозлаштириш методологияси амалда қўлланиб келинмоқда.

Хулоса

Юқоридаги давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш учун зарур маълумотлар базасини шакллантириш, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш бўйича батафсил тартиб ва усулларни кўрсатиб берувчи ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек бу борада республикада қўлланилаётган усуллар ва методологиялар таҳлилини кўриб чиқдик.

Мазкур қисмда эса прогнозлаштириш жараёни ва механизми, шунингдек уни ижро этилиши билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили устида сўз юритамиз. Бунинг учун, кўриб чиқишимиз лозим бўлган соҳаларни қуйидагича гуруҳлаб олишимиз зарур:

Давлат бюджети даромадлари прогнозида қўлланиладиган сценарийлар таҳлили;
Прогнозни келишиш механизми;

Давлат бюджети даромадлари прогнозини Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилиш ва ҳимоя қилиш;

Давлат бюджети даромадларини прогнозини бажарилишида давлат солиқ идоралари, давлат божхона идоралари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа даромад ундирувчи идораларни рағбатлантириш тизими.

Давлат бюджети даромадлари прогнози турли омилларга боғлиқ бўлгани учун бунда сценарийларни танлаб олиш масаласи жуда муҳим. Бошқача айтганда, айнан экзоген кўрсаткичларни маълум бир тўплами асосида шакллантирилган сценарийлар асосида келгуси йил учун давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш учун киритиш зарур бўлади.

Демак, экзоген кўрсаткичларнинг турли тўпламлари (газнинг экспорт нархи ташқи бозор билан белгиланади) ва фискал сиёсатнинг кўзда тутилган тадбирига (иш ҳақининг ўсиш миқдорларини фискал сиёсат тадбирлари доирасида белгиланади) мос равишда давлат бюджети даромадлари прогнози ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу тадқиқотда қўйилган асосий масала – давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш республикадаги молиявий ҳолатга



ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб беришдан иборат бўлиб ,бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- йирик иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун замин яратилади;
- инвесторлар, жумладан хорижий инвесторлар учун ишончли маълумотлар базаси яратилади;
- солиқ маъмурчилигини яхшилаш учун сифатли таҳлил қилиш инструментлари ва база яратилади;
- фискал сиёсат юритишда имкониятлар тўғри баҳоланганлиги сабабли, унинг самараси ошади ва ҳ.к.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш: маълумотлар базасини шакллантириш тизимини яхшилаш, иштирок этувчи идораларнинг ваколат ва жавобгарлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, замонавий ва илмий асосланган прогнозлаштириш усуллари жорий қилиш ҳамда давлат бюджети даромадлари прогнозини Ҳукуматга, Ҳисоб Палатасига, Парламент ва жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилиш механизмларини қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси («Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси», 1995 йил, 3-сон, 6-модда)
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2000 йил, 11-сон, 151-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сонли Фармони («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 14 август, 32-сон, 796-модда)
5. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. /Дарслик –Т.: «Noshir», 2011. – 316 б.
6. Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. – Т.: «Иқтисод-молия», 2001. –174 б.
7. Усмонов Қ.А. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. 2019. –19 б.